# ДЕҲҚОН ПАЙ ЭГАСИ

*Ислоҳот — инсон хизматида*

Саид Ҳусановни хўжалик машина-трактор паркида учратдик. Илгари у киши билан учрашмаган бўлсак-да, унинг ибратли ишлари, кишиларга ғамхўрлиги, одамохунлиги ҳақида кўп эшитганмиз. Танишгач у ҳақда эшитганларимиз тўғри эканига амин бўлдик. Суҳбатимиз ўз-ўзидан қовушиб кетди. Хўжаликда эришилаётган ютуқлар ҳақида у шундай деди:

— Давлатга режадаги 3050 тонна ўрнига 3679 тонна пахта, 2000 тонна ғалла, 350 тонна полиз ва сабзавот маҳсулотлари етказиб бердик.

Хўжалик ҳудудидаги 3 та қишлоқда 10 минг аҳоли яшайди. 5 та мактаб, 4 та болалар боғчасида таълим-тарбия олаётган келажагимиз эгаларига ғамхўрлик ҳам раис елкасида. Ундан ташқари оқсоқоллар, нафақахўрлар билан ҳам суҳбатлашиб, кўнгилларини олишга вақт топдик. Хўжаликда маданий-маиший шароитлар яратилаяпти. Оброн, Бойғунли қишлоқлари аҳолиси табиий газдан баҳраманд бўлди. Биргина 1997 йилда 400 га яқин хонадонда зангори олов ёнди. Қишлоқ кўчалари кенгайтирилиб, асфальтланмоқда. Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш учун барча эзгу ишлар қилинаяпти.

— 1998 йил —Оила йили деб эълон қилиниши зиммамизга эзгу вазифалар юклади, — сўзида давом этди раис.— Келгуси режаларимизни шунга асосан белгилаяпмиз.

Бу йил ҳам хўжалик деҳқонлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда ўзларини кўрсатдилар. Пахта тайёрлаш режаси 121 фоизга уддаланди.

Жамоа деҳқонлари айни пайтда келгуси йил ҳосили учун пухта тайёргарлик кўраётирлар. Кузги дон парвариши, далаларни шудгор қилиш ишлари кўнгилдагидек бормоқда. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайса ўз-ўзидан маълумки, иқтисод яхшиланиб, халқ турмуш фаровонлиги ортаверади. Дастурхон тўкинлигини таъминлайди.

Шу йилнинг сентябрь ойи охирларида юртбошимиз Қашқадарё вилоятида бўлганларида ушбу хўжаликка ҳам ташриф буюриб шундай деган эдилар:

«Қашқадарё менинг Ватаним. Деҳқончилик сирларини шу юрт одамларидан ўргандим, мана юзлари таниш бўлган раисни ҳам ўзим шу хўжаликка қўйиб кетганман». Юртбошимизнинг қалбларни тўлқинлантирувчи бу сўзлари барчани, жумладан раисни ҳам ғоят руҳлантириб юборди.

Раис билан суҳбатлашиб турганимизда Косондаги ушбу «Гулистон» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Абдулла Қодирий номли мактаб директори Шукрулло Муродов кириб келди. Салом-аликдан сўнг қўлидаги қоғозни раисга ийманибгина туриб узатди.

— Илтимосингиз фақат шуми? — сўради раис табассум билан.

— Ҳа, энди иложи бўлса, келгуси йилда яна ҳам кўпроқ ҳосил олиб мактабнинг моддий базасини мустаҳкамласак девдик, — жавоб берди мураббий.

— Бўпти, мактаб ихтиёрига қўшимча яна 0,5 гектар ер ажратиш учун зарур ҳужжатларни тайёрланг.

Домла раис хонасидан мамнун чиқиб кетди. Сўнг билсак, мактаб жамоаси икки йилдан буён хўжалик ихтиёридан 2,5 гектар ер олиб деҳқончилик қилаётган экан. Биринчи йили 32 центнердан пахта етиштирган муаллимлар бу йил озуқа лавлагиси парваришлашибди. Ҳисоб-китобларга қараганда 70 тоннага яқин лавлаги олинар экан. Келгуси йилда қўшимча ерлар ҳисобига помидор ва беда экиб, уруғини топширишни ўйлаб қўйган мактаб директори Саид Ҳусановдан миннатдор эканлигини яширмади. Шу пайтгача тушган даромаддан мактаб учун парта, доска, стол-стул олинибди. Боқувчисини йўқотган ўқувчиларга берилаётган моддий кўмак ҳам шу даромад ҳисобидан

— Кузги шудгорлашни сифатли ўтказиш мақсадида 11 та ҳайдов трактори жалб қилинган, — деди С. Хусанов. — Тракторчиларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаяпмиз. Шудгор асосан тунда ўтказилмоқда. Ҳозирги илиқ-иссиқ кунлардан оқилона фойдаланиб, ерни «чапша» қилиб олсак марра бизники.

Раис хўжаликда баракали меҳнат қилаётганлар ҳақида фахрланиб гапирди. Ғани Эшпўлатов, Муҳиддин Шониёзов, Холмурод Раҳимов, Умид Насриев, Ҳайитмурод Жумаев, Усмон Рўзиев, Ортиқ Жабборов сингари оловқалблар жамоанинг ишонган тоғлари.

Чорвачиликни ривожлантириш учун ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Қишлов соз ўтаётир. Қишловга етарли миқдорда озуқа жамғарилган. Алимардон Номозов раҳбарлик қилаётган фермада 500 тонна сомон, 130 тонна беда пичани, 400 тонна силос, 1200 тонна сенаж, лавлаги тайёрланди. Молхоналар таъминланди.

Яқинда жамоа хўжалигини пайчилик жамиятига айлантириш ҳақидаги хўжалик бошқаруви кенгашининг қарорини туман ҳокимлиги тасдиқлаганини айтишди. Бу мулкка бўлган муносабатни ўзгартиради. Одамларнинг яхши яшашига имкон яратади. Кўпроқ даромад эгаси бўлишга чорлайди. Хўжаликдаги мавжуд 16 миллион сўмлик пай улуши 1459 кишига меҳнатига қараб тасдиқланди. Бундан буён хўжалик пай усулида иш олиб боради.

**Обиджон ҒОФУРОВ,**
**Шавкат СУЛТОНОВ.**

*Янгибой Кўчқоров Беруний туманидаги Саркоб қишлоғида туғилган. Тошкент Аграр дорилфунунининг деҳқончилик кимёси ва тупроқшунослик факультетида ўқиган. Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни журналистика факультетини имтиёзли диплом билан тугатган.*

*У кўп йиллардан буён матбуот соҳасида ишлаб келади. Ижодкорнинг «Қўриқда боғ яратиб», «Элликқалъа қаҳрамонлари», «Ер қадрини билганлар», «Элликқалъа эллари» каби китоблари чоп этилган.*

*Яқинда Янгибой Кўчқоров «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўз мухбири бўлиб иш бошлади.*



# ТАБАРРУК ТУПРОҚДА УНГАН «ОҚ ОЛТИН»...

**Мадриддаги Халқаро сифат ва такомиллаштириш жамғармасининг «Олтин юлдуз» совринига лойиқ деб топилди**

Испания пойтахтидаги Малика Ҳазрати Олияларининг саройининг мажлислар зали. Халқаро сифат ва такомиллаштириш жамғармаси анжуманига жаҳоннинг 130 дан ортиқ мамлакатларидаги 500 та корхонадан вакиллар, ушбу нуфузли ноҳукумат ташкилоти фаоллари тўпланишган. Навбат етиб анжуманни олиб борувчи қуйидаги хушхабарни эълон қилади:

— Қорақалпоғистон Республикасининг «Беруний пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқарган пахта толаси Халқаро сифат ва такомиллаштириш жамғармасининг «Олтин юлдуз» соврини билан тақдирланади!

Гулдурос қарсаклар янгради. Бу қарсаклар, биринчидан, истиқлолга эришган, демократик жамият қураётган давлатимиз, иккинчидан, жафокаш Оролбўйи замини, учинчидан, Абу Райҳон Берунийдек улуғ алломанинг киндик қони тўкилган табаррук тупроқ шаънига чалинган эди.

Пиреней ярим оролидан таралган хушхабар қитъалараро қанот қоқиб тезда Қуйи Амударё воҳасига етиб келди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон оммавий ахборот воситалари бу муждани халқимизга етказмоқда. «Беруний пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамиятининг ўзида қувончли воқеага бағишланиб йиғин ўтказилди. Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси Темур Камолов ташриф буюриб, Халқаро «Олтин юлдуз»ни ҳиссадорлик жамияти раиси Баҳром Қўшакеевга тантанали равишда топширди. Жамоа аҳли ва меҳмонларга ош тортилиб, куй-қўшиқлар янгради. Беруний тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси депутати Рейимбой Қурбонбоевнинг таклифига кўра корхонанинг ҳар бир ишчи-хизматчиси, муҳандис-техник ходимлари олтин совринни ўз қўлларига олиб томоша қилдилар.

Олтин соврин ҳиссадорлик жамияти аъзоларига ўзига яраша моддий манфаатлар ҳам келтирди. «Ўздавлатпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик уюшмаси корхонага 100 минг сўм, «Қорақалпоқ давлатпахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик уюшмаси ҳар бир ишловчига ойлик маош миқдорида мукофот пули ажратди.

Беруний тумани миришкорлари азалдан деҳқончиликда ўзига хос муваффақиятларга эришиб келганлар. Қуйи Амударё воҳасининг яқин ўтмишига нигоҳ ташлайдиган бўлсак, пахта тозалаш саноати бу ерда бундан 100 йил муқаддам вужудга келгани маълум бўлади. Ўтган асрнинг охирларида бу ерда бир неча пахта заводлари иш бошлаган. 1919 йилда эса Шоббоз, ҳозирги Берунийда илк пахта заводи қурилди. Орадан ўтган 80 йил давомида жафокаш халқимиз ўз бошидан не-не машаққатларни, азиятларни кечирмади, дейсиз!

Энг катта афсусимиз шунда эдики, 70 йилдан ортиқроқ вақт давомида қизил империяга арзон-гаров пахта етиштириб берадиган хом ашё мустамлакаси бўлиш билан биргаликда маҳсулотимиз эвазига келадиган мўмай валюта, мукофотлардан ҳам маҳрум эдик!

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, Истиқлол эркимиз, ҳуқуқларимиз, ўзлигимиз, тилимиз, динимиз, қадриятларимиз билан бирга меҳнатимиз меваларини ҳам қайтариб берди. Томчида қуёш акс этганидек, олган «Олтин юлдуз»да ана шу ҳақиқат ўз тасдиғини топди.

Келинг, энди берунийлик пахта тозаловчилар қўлга киритган олтин соврин замиридаги омилларни таҳлил қилиб кўрайлик:

Олтин совринни таъминлаган биринчи ва бош омил тобора мустаҳкамланиб бораётган муқаддас Мустақиллигимиздир. Истиқлол жаҳон бозорига йўлни кенг очиб берди. Айни пайтда иқтисодий турмушимиздан бозор муносабатлари етакчи ўрин эгаллади, жаҳон андозаларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун шарт-шароит вужудга келди.

Иккинчи манба Беруний элининг хосиятли заминидир. Бу ерда минг йиллардан буён энг сара қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Масалан, Беруний қовунларининг довруғи етти иқлимга таралган. Бу тупроқда унган пахта толасининг жаҳон миқёсидаги кўрикда совринли ўринни олганлигининг боиси ҳам шундадир.

Яна муҳими, бу ерда деҳқончилик сир-асрорларини мукаммал билган миришкорлар кўп. Ва ниҳоят, яна бир асосий омил «Беруний пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамиятининг аҳил, меҳнатсевар жамоаси иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошираётганлигидир. Ҳиссадорлик жамияти кейинги йилларда ўз тармоғининг пешқадамларидан бирига айланди. Масалан, 1995 йил халқ хўжалик йилида Беруний тумани пахтакорлари 29736 тонна хом ашё тайёрладилар. Аммо ўша йили берунийлик пахта тозаловчилар жами 41254 тонна «оқ олтин»ни қайта ишладилар. Бошқачасига айтганда, қўшни туманлар етиштирган пахтанинг катта қисмини ҳам қайта ишлаб бердилар! 1996 йилда эса 8100 тонна ўрнига 8350 тонна тола ишлаб чиқарилди. Тола чиқиш нисбати ошди.

Ҳиссадорлик жамияти Инсон манфаатлари йилини муваффақиятли якунламоқда. 11 ой мобайнида режадагидан кўп маҳсулот тайёрланди. Шу вақт ичида 570 минг сўм ўрнига 579,5 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқариш жараёни ривожланиб бораётганининг омилларидан бири шуки, бу ерда инсон манфаатлари етакчи ўринга қўйилган. Ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши 4 минг сўм атрофида. Ишловчиларга бепул тушлик ташкил этилган. Корхона ҳузуридаги бир бош сигир, бир бош от сотиб олишдан тузилган ёрдамчи хўжаликда бугун 220 бош қорамол, 500 бош қўй бор. Ишловчилар имтиёзли нархдаги гўшт билан таъминланяпти. Ёрдамчи хўжаликдаги 127 гектар ерда шоли, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилиб, бозор нархларидан 2 баробар кам баҳоларда завод аҳлига тарқатилмоқда. Ҳиссадорлик жамияти қошида 50 ўринлик замонавий санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Хуллас, ҳиссадорнинг самарали ишлаши ва яшашлари учун шарт-шароит яратилган.

Ҳозир жамият ҳузурида электр двигателларини таъмирлаш, гилам тўқиш, тикувчилик шохобчалари ишлаб турибди. Консерва ва ғишт цехлари қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Корхона ютуқларида унга 7 йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган Баҳром Қўшакеевнинг муносиб улуши бор. 1980 йили Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битиргач, ишни оддий созловчиликдан бошлади, шу жамоада тобланди. Сўнг кўп йиллар Элликқалъа пахта тозалаш заводи, «Қорақалпоқдавлатпахтасаноатсотиш» уюшмасида масъул лавозимларда ишлади.

— Жамоамиз олган «Олтин юлдуз» совринида бутун Беруний деҳқонларининг ҳиссаси катта, — дейди Баҳром Янгибоевич. — Биз улар меҳнатини жаҳонга кўрсатишга ҳаракат қилдик, холос.

Корхона равнақи ҳар бир ишчи-хизматчи камолида ўз аксини топади. Муҳтарам юртбошимиз томонидан Оила йили деб эълон қилинган 1998 йилда ҳам янада сифатлироқ маҳсулотлар чиқариш, янада нуфузлироқ мукофотлар олиш ниятидамиз!

Интилганга толе ёр. «Беруний пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамиятининг аҳил жамоаси амалга ошираётган ишларда бу ҳикмат тўла тасдиғини топмоқда!

**Янгибой КЎЧҚОРОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# ДУРКУН МАЙСАЛАР

**Ўрта Чирчиқ туманидаги «Қорасув» деҳқон фермерлар уюшмаси сертармоқ хўжаликлардан ҳисобланади. Хўжалик аъзолари давлатга пахта, дон, шоли, пилла сотиш режасини ортиғи билан адо этиб, йилни муваффақиятли якунлашмоқда.**

**Жамоа аъзолари қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ниятида қишки юмушларни ҳам уюшқоқлик билан олиб боришяпти. Ғаллакорлар кузда 700 гектар майдонга уруғ қадаб, уни бир текис ундириб олишди. Деҳқонлар шу кунларда келгуси йил мўл ҳосилини кўзлаб, яшил майсаларни сифатли парваришламоқдалар.**

**Ғаллазорлар 96 та ижарачи оилаларга биркитиб қўйилган. Жумладан, Эрали Бўронбоев 16 гектар, Фахритдин Душаев 12, Иброй Сафаров 12,6, Жамол Ботиров 12 гектар майдонда дон етиштиришяпти.**

**— Кузда униб чиқиб, илдиз отган ниҳоллар қишли-қировли кунларда ҳам зиён кўрмайди, бу яшил майсалар эртанги ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз кўрки, даромадимиз манбаидир, — дейди деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси бошқаруви раиси Турғун ака Орипов. — Буни яхши англаган фидойи деҳқонлар парвариш ишларини намунали олиб боришмоқда. Ниҳоллар бақувват.**

**Хўжаликда шу кунга қадар мавжуд майсаларнинг 500 гектари оби ҳаётга қондирилиб, 180 гектари аммофос билан озиқлантирилди. Бу юмушларни ижарачиларнинг ўзлари кўнгилдагидек адо этмоқдалар. Ниҳолларни пайҳон бўлишдан сақловчи гуруҳлар ташкил этилган. Уларнинг астойдил саъй-ҳаракати туфайли ўсимлик безиён ривожланмоқда.**

**Шунингдек, кузги ер ҳайдаш ишларини маромида, сифатли амалга оширишда Тўлқин Эргашев, Эшпўлат Зиёмуродов, Маҳмуд Ўринов, Зокир Собиров сингари тракторчиларнинг меҳнатлари самарали бўлди.**

**Э. ҲАСАНОВ.**

# РИЗҚИМИЗ УВОЛ БЎЛМАСИН

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон қилишга қарши курашни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинганидан буён Фарғона вилоятида муайян ишлар амалга оширилди. Вилоятда буғдойзор ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон қилиш ҳоллари ўтган йилдагига нисбатан сезиларли равишда камайган бўлса-да, бироқ жойлардаги айрим мутасаддилар ҳукумат қарорининг туб моҳиятини англаб етмаган кўринади.

Сўх туманидаги «Равон» ширкатлар уюшмаси бригада бошлиғи Мирза Деҳқонов бошқаларга намуна бўлиш ўрнига 81-хўжалик буғдойзори пайҳон қилинишига йўл қўйган. Бригадирнинг бундай масъулиятсизлиги учун ундан катта миқдорда жарима ундириб олинди. Қува туманидаги Оққўрғон қишлоғида яшовчи 25-ўрта мактаб ўқитувчиси Холдорали Шомирзаев ёшларга «ўрнак» бўлгиси келди шекили, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги буғдойзорида 10 бош қўйини бемалол ўтлатиб юрганида қилмиши ошкор бўлди. Боғдод тумани Дашт қишлоғидаги 40-болалар боғчасида ишловчи Тухтахон Ҳамроқулова ҳам «Пахтакор» жамоа хўжалиги буғдойзорига икки бош чорва молини қўйиб юборди.

— Ҳозиргача қишлоқ хўжалик экинларининг пайҳон қилиниши бўйича 345 та ҳолат аниқланди, — дейди Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси ташкилий назорат бўлими бошлиғи Нодир Юсупов. — Ана шундай ножўя ишларга қўл урган кимсалардан 160 минг сўмдан ортиқ жарима ундирилди. Айни кунларда пайҳоннинг олдини олиш мақсадида вилоятимизда 500 га яқин кузатув пунктлари ишлаб турибди. Шу билан бирга оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб боряпмиз.

**Р. КАМОЛОВ, ЎзА мухбири.**



**Меҳнатга муносабат қаерда яхши бўлса, ўша ерда — табиийки, аҳиллик бор деяверинг. Аҳиллик бор жойда эса, демак, қут-барака бор. Сайхунобод туманидаги «Сайхун сут» ҳиссадорлик жамияти жамоаси хусусида худди шу фикрни айтиш мумкин. Бу ерда ҳар йили кўп миқдорда сут қайта ишланиб, турли-туман сут маҳсулотлари Гулистон ва Тошкент шаҳарлари аҳолисига етказиб берилмоқда. Сифати ҳам таҳсинга лойиқ.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Корхона раҳбари Сайдулла Қолбеков (ўртада), бош нурчи Ховас Бадалов ва смена устаси Сулаймон Аминжоновлар ҳар доим аниқ режалар асосида иш олиб боришади. 2. Ишчи Гулчеҳра Тагирова 14 йилдан бери жамоада самарали меҳнат қилиб келаяпти. 3. Оппоқ халатдаги бу аёл Амина Раҳматова. 10 йилдирки, Аминахон лабораторияда маҳсулот сифатига масъул.**

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**





# ҚИЗИЛҚУМ ЯЙЛОВЛАРИДА

**Қизилқум яйловларида совуқ кунлар бошланди. Қиш чорвадорларни синовдан ўтказмоқда. Ҳозир бу ерда 800 минг бош қўй (уларнинг анча қисми қоракўл қўйлардир), 7980 та от, 6880 бошдан кўпроқ туя қишламоқда. Чорва моллар учун 150 минг тонна пичан, 47 минг тонна сенаж, 12 минг тонна силос тайёрланган. Мутахассисларнинг айтишларича, жамғарилган озуқа чорва молларни қишдан бехато олиб чиқиш учун етарлидир.**

**Қиш ойларида 162 ферма ва отарларга қўшимча техника, озуқа ва ишчи кучи ажратилди. Конимех туманининг Абай номидаги, «Қизилқум», Томди туманининг Ж.Балимонов номидаги, «Томди», Учқудуқ туманидаги «Мингбулоқ, Нурота туманидаги «Қизилча» хўжаликларининг чорвадорлари айниқса қишга пухта тайёрлик кўришди.**

**Қизилқум яйловларида баҳорги қўзилатиш мавсумига тайёргарлик ишлари ҳам бошлаб юборилди.**

Ёркул УМАРОВ, ЎзА мухбири.

# ҲАМПО ВА ЕЛКАДОШ

Наманган вилоятида «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг муштарийлари йил сайин кўпайиб бораяпти. Хусусан, дала меҳнаткашларининг бу рўзномага ҳурмати баланд. Жорий йилда вилоят туманларида 1998 йил учун газета-журналларга обуна мавсуми қизғин давом этяпти. Биргина Мингбулоқ туманидан 200 нафардан зиёд киши агросаноат мажмуининг ушбу ягона нашрига обуна бўлдилар. Наманган, Норин, Чортоқ, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Чуст туманлари хусусида ҳам шундай самимий сўзлаш мумкин. Поп туманида ҳам газета ўз ўқувчиларини топяпти. 1998 йилда бу газета тумандаги «Навбаҳор» жамоа хўжалигининг энг олис чекка қишлоқларига ҳам кириб боради. Хўжаликдан 50 нафар деҳқонлар 1998 йил учун «Қишлоқ ҳаёти»га обуна бўлдилар.

Марказий Фарғона чўлида ташкил топган «Навбаҳор» жамоа хўжалиги собитқадамлик билан қад ростлаб, иқтисодиётини юксалтирмоқда. «Қишлоқ ҳаёти»нинг муштарийларидан бири ўз билимини, тажрибасини қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштиришга сарфлаган фидойи инсон Исроилжон Ашуровдир. Йигирма йилдан ошибдики, у чўлнинг инжиқликларига сабр-тоқат билан бардош бериб ҳурмат-эътибор топди. Исроилжон ихтиёрилаги 57 гектар ер шўрланган, кам ҳосилли ердан шартномадан ошириб 30 тонна қимматбаҳо саноат хом ашёси топширди. Тўлқинбой Шоқулов, Салимбой Уринов, Ваҳобжон Ҳамидовлар ҳам Исроилжон Ашуровнинг ҳамфикр, елкадош дўстлари. Улар раҳбар бўлган бригада аъзолари ҳам чўл шароитида юқори ҳосил кўтардилар.

Хўжалик бошқарувининг раиси Шавкатжон Қаландаров ҳам ўз бахтини Марказий Фарғона чўлидан топганлардан. У азиз умрини янги ерлар ўзлаштириб деҳқончилик қилишга бағишлаган. Шавкатжон қўшни «Найман», «Қўштепа», «Наврўз» хўжаликлари ҳудудларида бирга ер ўзлаштирган қадрдон чўлқуварлар билан қарийб чорак асрдан бери биргаликда фаолият кўрсатиб келади. Шу йиллар мобайнида чўлда янги хўжаликлар ташкил топди, ёш авлод вояга етди. Уларнинг кўпчилиги мустақил жамоаларга раҳбарлик қилмоқда. Ғафуржон Кўчқоров, Толибжон Жўраев, Абдураҳмон Каримов, Обиджон Сайдалиев, Холдорали Қозоқовлар хўжаликларни баҳоли қудрат бошқариб, юртимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшмоқдалар.

«Навбаҳор» жамоа хўжалигига раис танлаш чоғида туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Холмамат Талаббоев номзодлар орасида ҳар томонлама мулоҳазали, моҳир ташкилотчи Шавкатжон Қаландаров номини тилга олиб, тавсия қилиб, хато қилмаганди. Режадан ташқари 300 тоннадан зиёд юқори навли пахта сотилди. Биргина пахтачиликнинг ўзидан 48 миллион сўм даромад олинди.

— Натижа бундан ҳам қувончли бўлиши мумкин эди, — дейди Шавкатжон Қаландаров. — Бизнинг шароитимизга мос уруғликлар ҳадеганда топилмаяпти. Бу йил биз эккан «Фарғона-3», «Тошкент-6» навлари чўл шароитига тўла жавоб бермаяпти.

Раиснинг ва тажрибали деҳқонларнинг фикрларини бош агроном Шерали Рустамов ҳам тасдиқлади. Янги йилдан улар ўз шароитларига мос уруғлик чигит топиб келтириш учун тараддуд кўрмоқдалар.

Хўжаликда кузги-қишки тадбирлар ҳам маромида бажарилмоқда. Мавжуд 2055 гектар майдон шудгордан чиқарилди. Шу кунларда шўр ювиш-яхоб бериш ишлари қизғин амалга оширилаяпти. 1997 йилда хўжалик экинлари сизот сувлари ёрдамида суғорилди. Оқибатда ерларнинг унумдорлиги пасайиб, шўрланиш даражаси кўтарилди. Бундай шароитда тажриба ва билимни ишга солиб меҳнат қилиш орқали мўл ҳосил етиштириш мумкин. Шу кеча-кундузда 300 нафар киши ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан машғул. Улар пайкалларнинг шўрланиш даражаси пасаймагунча 3-4 марталаб тупроқни тозалайдилар. Айни пайтда экскаваторлар, бошқа техника воситалари ёрдамида ички ва хўжаликлараро зовурлар тозаланиб, сув йўллари равонлаштирилмоқда.

— Уттиз йилдан бери чўлдаман, — дейди МТП махсус бўлими бошлиғи Набижон Холматов. — Қишлоқ хўжалигига доир янгиликларни кўпроқ газетадан ўқийман. Йигирма йилдан бери «Қишлоқ ҳаёти»нинг мухлисиман. 1998 йилда ҳам биринчилардан бўлиб ёзилдим. Таҳририятга таклифим шуки, газета замонавий қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган техника ҳақида кўпроқ материаллар ёритиб борсин.

— Қарийб чорак асрдан буён «Қишлоқ ҳаёти»ни оламан, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Шавкатжон Қаландаров. — Ислоҳотларни чуқурлаштиришга бағишланган мақолаларни мунтазам кузатаман. Бу борадаги ютуқларни ўрганаман. Муаммоларни солиштираман. Тегишли хулосалар чиқариб ишимни яхшилаш пайида бўламан. Хўжалигимиз вилоят ва туман марказидан йироқда жойлашганлиги учун бизда тоза ичимлик суви, газлаштириш, радио эшиттириш, почта, транспорт хизматида муаммолар бор. Ички имкониятларимиздан унумли фойдаланиб, муаммоларни бартараф этаяпмиз. Бу йил газлаштиришга астойдил киришдик. Даромадга қараб буромад деганларидек, йиллик режани 128 фоизга уддалаганимиз қўл келди. Иқтисодиётимиз шунга яраша мустаҳкамланди. Бошқарув ва касаба уюшмаси қўмитаси билан фикрлашиб, чўлқуварлардан 20 кишини имтиёзли обуна қилдик. Янги йилдан эътиборан жами «навбаҳор»ликлардан 50 нафардан ортиқ киши «Қишлоқ ҳаёти» газетасини олиб ўқийди.

Эртанги ҳаракат мўл ҳосилдан баракат. Ҳаракатчан, тадбиркор раис Шавкатжон Қаландаровнинг орзулари бир олам, мақсади элим деб, юртим деб ёниб жўшиб, чўлни бўстонга айлантираётган фидойи инсонларнинг тажриба ва маҳоратига таяниб хўжалик иқтисодиётини мустаҳкамлаш. Бунинг учун эришилаётган натижалардан чегараланмасдан янги чўққиларни забт этишга чоғланган. Шу мақсадда кузги-қишки тадбирлар жадал бажарилмоқда. Шудгорлаш ниҳояланди, шўр ювиш, техникани таъмирлаш, сув йўлларини равонлаштириш давом этаяпти. Мавжуд ғаллазорлар ҳам эътиборда. Бу майдонларни суғориб, ўғитлаб, пайҳон бўлишдан қўриқлаш учун навбатчиликлар ташкил қилинган.

**Абдунаби ҚОРАБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

